



**Биз соғлом турмуш  
тарафдори**

# Соғлом турмуш

**тарзи** – унумли меҳнат, фаол дам олиш, бадантарбия ва спорт билан шуғулланиш, организмни чиниктириш, шахсий гигиенага риоя қилиш, тартибли овқатланиш, заарали одатлардан ўзини тийиш, руҳий ва маънавий озиқланиш, мунтазам шифокор кўригидан ўтиб туриш каби тушунчаларни ўз ичига олади.



# Соғлом турмуш тарзи – узоқ умр кўриш гарови

Сиҳат-саломатлик, умрбоқийлик кишиларнинг азалий орзуси бўлиб келган. Соғлом бақувват ва ёшлик сирларини қадим замонлардаёқ турли дорилар, айниқса ўтлар ва ўсимликлардан изланган. 2700 йиллиги нишонланган «АВЕСТО» китобида аждодларимиз тарихи тўғрисида, уларнинг турмуш тарзи, урф-одатлари, инсононгига, соғлигига оид жуда кўп маълумотлар ёзиб қолдирилган. Бу китоб инсонларни ўзаро меҳр-оқибат ва тотувликка чорлайди. Ахлоқнинг асосий учлиги – «Эзгу уй», «Эзгу сўз», «Эзгу амал» дан иборат эди, ҳар бир инсон шу учликни ўзигамужассам этмоғи керак эди. Бу этиқод замирида яхши хулқ, эзгу мақсад, фойдали ҳаракат ва тараққиётга йўналтирилган меҳнат ғояси ётади. Соғлом турмуш тарзининг шарқона асослари, яъни бундан 1400 йил олдин юзага келган ислом таълимотида ҳам яққол акс эттирилган. Пайғамбаримиз Муҳаммад Мустафо саллоллоҳу аълайҳи вассалам кишиларнинг ўзаро муносабати ва бу муносабатлар асосида ягона – Оллоҳни танишлик, унга иймон келтириш орқали соғлом турмуш тарзини шакллантиришда инсониятга катта марҳамат қилганлар. Куръони каримда «Яхшилик қилиб, ўзингга раво кўрмаган нарсаларни ўзгага раво кўрма, билиб-билмай ўзгаларнинг ҳаётига зомин бўлма, хуш одоб бўл, Оллоҳ ҳалол қилган ризқ билан чеклан, заарли одатлардан сақлан» ва бошқа фарзу суннат амаллари баён этилади. Инсон соғлиги унинг ўзига боғлиқ эканлиги йилдан-йилга кўпроқ аён бўлмоқда. Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилоти эксперталарининг асосли хulosаларига қараганда соғлигимизнинг 50-55 % и турмуш тарзимизда, яъни бевосита ўзимизга боғлиқ экан. Соғлом тумуш тарзи бу киши ўзининг ва атрофдагиларнинг соғлигини сақлаш ва мустаҳкамлаш билан боғлиқ бўлган тадбирлар мажмуасидир.

Бундай турмуш тарзи кишига ўз хизмат вазифасини сифатли ва самарали бажарилишига уни ҳар доим ишчан, ҳушёр яхши кайфиятда бўлишига, соғлигини мустаҳкамлаб узоқ умр кўришига ёрдам беради. Соғлом турмуш тарзи бир неча қанча йўналишларга эга, биринчидан тўғри ва рационал овқатланиш, одамнинг тўғри ва сифатли овқатланиши организмни турли касалликларга қарши кучини оширади жисмонан бақувват ва ишchan қилади. Овқат рационида оқсилга бой маҳсулотлар, сабзавотлар, кўкатлар ва бошқа организм учун зарур бўлган озиқ-овқат маҳсулотлари бўлиши керак. Овқатланишни тўғри ташкил қилиш жуда муҳим, чунки овқатнинг миқдори эмас, балки сифати аҳамиятлидир.

Киши саломат бўлиши учун ҳаракат қилиши, чиниқиши ўзини авайлаши ва соғлигини мустаҳкамлаши лозим. Бунинг учун жисмоний тарбия, қуёш, хаво ва сувдан оқилона фойдаланганда киши организми бақувват, соғлом, чидамли бўлади. Жисмоний машклар билан шуғулланиш мاشақларнинг ривожланишига ёрдам беради. Организмда моддалар алмашинуви жараёнларини, бўғинларнинг ҳаракати ва эгилувчанлигини яхшилайди. Бундан ташқари киши жинсий тарбия, яъни жинсий жуфт танлашдан тортиб, жинсий аъзолар гигиенасигача, жинсий муносабатлардан тортиб, соғлом оила муносабатларигача ва жинсий алоқа орқали юқадиган касалликлар ҳақидаги билимларга эга бўлиши керак. Чекиш, ичиш, яъни заарли одатларнинг организмга салбий оқибатлари тўғрисидаги билимга эга бўлиши шахсий ва жамоат гигиена қоидаларига риоя қиласлиги натижасида келиб чиқадиган касалликлар ҳақида тушунчага эга бўлиши керак. Кишининг руҳий ҳолати унинг саломатлигини сақлаш ва мустаҳкамлашда ниҳоятда катта аҳамиятга эга.

# Абу Али ибн Сино таълимоти бўйича соғлом турмуш тарзи йўналишлари:

- Тўғри овқатланиш
- Жисмоний тарбия
- Тўғри дам олиш
- Фаслга қараб кийиниш
- Заарли одатлардан сакланиш
- Тана вазнини меъёрида саклаш
- Ҳар хил зўрикиш  
(стресс)лардан сакланиш



# Соғлом турмуш тарзининг 5- асосий қоидаси

## ■ Соғлом уйку:

1. Салқинрок хонада ( $17-18^{\circ}\text{C}$ ) ухлашга одатланинг. Гап шундаки, танадаги модда алмашинуви атроф ҳароратига боғлиkdir.
2. Ақлий ва жисмоний меҳнатни уйкудан 1 соат олдин, овқатлнишни эса 2 соат олдин тўхтатинг.
3. Иложи борича бир хил пайтда ухлашга одатланинг ва 8 соатдан кам ухламасликга ҳаракат қилинг.  
Шу кўрсатгичларга етарли амал қиласангиз асаб тизими фаолияти яхшиланади.



**Муомала** – муносабат одамларни бир-бирларига боғловчи, яқинлаштирувчи, дўстлик, биродарлик, меҳр-оқибатларини мустаҳкамловчи, кишини катта хайрли ишларга ундовчи фазилатдир. Муомала маданияти қоидаларига риоя қилинганда киши ўзининг ва атрофидагиларни руҳий осойишталигини таъминлайди. Аҳоли ўртасида ўлим ногиронликнинг асосий сабаблардан бири баҳтсиз ҳодиса ва жароҳатланишлардир. Бунинг учун хар бир киши баҳтсиз ҳодисаларни олдини олиш ўз қўлимизда эканлигини, йўл ҳаракатлари қоидаларига риоя қилиш, автомашиналардан тўғри фойдаланиш электр ва газ ускуналарини қаровсиз қолдирмаслик ва улардан фойдаланиш усууларини мукаммал билиш керак шундагина соғлом турмуш тарзини ташкил қилган бўламиз. Тасаввур қилинг, аҳолига ҳайдовчилик курсларини очмасдан улардан йўл ҳаракати ва автомашинани бошқариш ҳақида билим ва малака ҳосил қиласдан машиналарни сотоверсак нима бўларди? Шубҳасиз, ҳалокатларнинг, жароҳатланган ва ўлган одамларнинг бузилиб яроқсиз ҳолга келган машиналарнинг чеки бўлмас эди. Соғлом турмуш тарзи ҳақида маълумот ва малаканинг бўлмаслиги ҳам худди шундай. Чунки кишининг бадани ҳам бошқариш лозим бўлган биологик ва ижтимоий маҳсулот. Лекин унинг бошқарувчиси инсоннинг биз юқорида келтирган соғлом турмуш тарзидан билим ва малакага эга бўлиши талаб этилади. Буларсиз саломатликни таъминлаш умуман мумкин эмас.

## Соглом турмуш тарзининг асосий йуналишлари:



Атроф мухит  
ва  
саломатлик

Тиббий  
курикнинг  
ахамияти

Психо-  
гигиена ва  
психопрофи-  
лактика

Тугри  
овкатланиш

Зараарли  
одатлардан  
воз кечиш

Жисмоний  
фаоллик ва  
чиникиш

Кун тартибига  
амал килиш

Шахсий  
гигиена

# Инсон соғлиғи омиллари



- - турмуш тарзи (60%)
- - атроф-муҳит (20%)
- - ирсият (10%)
- - соғлиқни сақлаш ишларининг аҳволи (10%)

# Наркомания турларининг қиёсий тавсифлари

Наркотик ва токсин моддаси	Одатланиш ва унинг кучи муддатлари	Абстинент синдромининг шаклланиши
Опий гуруҳи (морфий, омнопон, кодеин)	Бир ҳафтадан 1-2 ойгача. Кескин ифодаланган	1 ҳафтадан 1-2 ойгача
Алкоголь, Кучли ичимликлар	1 дан 8 йилгача. Кучли ифодаланган	1 дан 10 йилгача
Алкоголь, енгил ичимликлар	2-3 йилдан 12 йилгача. Ўртacha ифодаланган	3 дан 10 йилгача
Тамаки чекиш	<b>Бир неча ойдан бир неча йилгача. Ўртacha ифодаланган</b>	<b>3 дан 15 йилгача</b>

НИМА  
УЧУН  
ЧЕКИША-  
ДИ?



Тенгдошларга  
таклид

Гурухидаги  
нуфузли, ёқимли  
кишилар орасида  
муроқот

Сиқилишдан  
(хаёлида)

Ўзини кўз-кўз  
килиш



Тамаки тутуниниг  
таркибида  
**4 000** га яқин инсон  
саломатлигини  
емирувчи моддалар  
борлиги тиббий  
тажрибаларда  
исботланган

# СИЗ АСЛИДА НИМА ЧЕКАЯПСИЗ?



# **БИР ДОНА ТАМАКИ ТУТИНИ ТАРКИБИДА:**



- ➡ 6 мг никотин
- ➡ 1,6 мг аммиак
- ➡ 25 мг ис гази
- ➡ 0,03 мг синил кислотаси
- ➡ 0,5 мг пирен,

**Радиоактив моддалар:**

полоний-210, күрғошин

**1 дона тамакини – 15 марта нафас олиб  
тутун ичга ютилади шунда  
5 литр тутун ютилар экан**

# НИКОТИН ТАРКИБИ:

0,05 гр. - карғани



1 гр. - отни




0,005 гр. - курбақани




0,5 гр. - одамни



## Effects of smokeless tobacco



# Кашандаликнинг қандай заарли оқибатлари бор?





Тил, милк, қаттиқ ва юмшоқ танглай,  
халқум шиллиқ пардаларини  
яллиғлантиради, таъм билишлик  
пасаяди ва йўқолади.

Чекувчининг тишлари сарғаяди, тиш  
эмали емирилади, кариес бошланади.

Оғиздан бадбўй ҳид келиб туради.

Сўлак безларини таъсирлаб, сўлак  
ажралишини кўпайтиради, туфуриш  
рўй беради.





Сигарет юрак  
касалликлари,  
хусусан, миокард  
инфарктига  
замин  
тайёрлайди.

Овқат ҳазм қилиш  
аъзолари фаолият  
билин боғлиқ  
касалликларнинг  
пайдо бўлиши  
беморларга ёмон  
таъсир қилади.

**СИГАРЕТ чекиш  
оқибатида вакти-вакти  
билин құл ва оёқдаги  
томирларда қоннинг  
тиқилиб қолиши  
кузатилиб қорасон  
(гангрена) пайдо бұлади.**

**Натижада бу бедаво дард оёқ  
ёки құлнинг кесилишига олиб  
келиши мүмкін.**

**Ұпка тұқымаларида  
яллиғланишлар кучая  
боради.**




**Нафас йұллари “РАК” касаллиги,  
чекувчиларда чекмайдиганларга  
нисбатан 10-20 марта күп учрайди**

**Хозирги кунда юрак хуружи, юрак  
фаолиятининг бузилиши  
натижасидаги үлим бутун дунёда энг  
кatta муаммо бўлиб турибди.**

**Тери ости томирларининг торайиши  
натижасида, тери ҳарорати пасаяди,  
ажин тушади. Тез қариш аломатлари  
кузатилади.**

**Кўз гавҳарига ҳам таъсир қилиб кўриш  
қобилияти пасаяди.**





# Тамаки чекишининг ақлий меҳнатга таъсири қандай?



Хотирада ахборотни сақлаш

– 4,42 % га



Ҳарфларни аниқ кўчириш

– 7-9 % га

Сонларни тўғри қўйиш

– 5,55 % га

Ҳарфларни кўчириш тезлиги

– 1,02 % га

Хотира ҳажми

– 5,07 % га

# ШУНИНГДЕК, КАШАНДА СӨГЛИҒИ БИЛАН БИРГА ВАҚТИНИ ҲАМ ЙҮҚОТАДИ

1та




1,5 соат

1 йилда – 23 кун



	1 КУНДА	1 ХАФТАДА	1 ОЙДА	1 ЙИЛДА	10 ЙИЛДА
МИҚДОРИ	1 ҚУТИ	7 ҚУТИ	30 ҚУТИ	365 ҚУТИ	3650 ҚУТИ
ҮРТАЧА НАРХДАГИ ТАМАКИ (СҮМДА)	3.000	21.000	90.000	1.095.000	4.380.000

**10 йилда кетадиган  
харажатта 3 та компьютер  
олиш мүмкин экан**



# ЧЕКУВЧИЛАРНИНГ КУНДАЛИК ЧЕКАДИГАН СИГАРЕТИ ВА ЁШИ ЖИХАТИДАН ҲАЁТИ ҚИСҚАРИШИ

Ёш	Кундалик чекилган сигареталар миқдори ва ҳаётнинг қисқариши (йил)			
	Бир кунда 1–9 дона	Бир кунда 10–19 дона	Бир кунда 20–39 дона	Бир кунда 40 та дан кўп
<b>12-24</b>	<b>- 5</b>	<b>- 6</b>	<b>- 7</b>	<b>- 9</b>
25	-4,6	-5,5	-6,2	-8,3
30	-4,6	-5,5	-6,1	-8,1
35	-4,5	-5,4	-6,0	-7,9
40	-4,3	-5,2	-5,8	-7,6
45	-4,1	-5,0	-5,6	-7,0
50	-3,8	-4,6	-5,1	-6,3
55	-3,5	-4,0	-4,4	-5,4
60	-3,1	-3,5	-3,9	-4,4
65	-2,8	-2,9	-3,1	-3,4

Энг ачинарлиси, бу офат аёлларимизни ҳам гирдобига тортяпти. Тадқиқотларга кўра, 10 000 чекувчи аёлдан 4 000 нафарининг боласи ўлик туғилган.

Қолганлариники эса одатдагидан 250-300 гр. енгил, заиф ёки чалажон туғилган. Чекувчи аёл чақалоқни эмизса, никотин сут орқали ўтиб, соғлом гўдакни ҳам заҳарлайди.



Сигарет “ТИНЧЛАНТИРУВЧИ” эмас,  
аксинча, танада тангликни  
КУЧАЙТИРУВЧИ ҳисобланади.



УДИВИТЕЛЬНАЯ ЖИЗНЬ?



**АЛБЕРТ УИТТАМОР.**

Ўлими олдидан 85 ёшли

Британиялик (ҳолбуки у узокроқ  
ҳам яшаши мумкин эди) унинг  
жасадини юклаб кетадиган  
машина ва қабрига “**Менинг  
жонимни кашандалик олди**”

деб ёзилган плакатлар  
жойлаштирилишини истаган.

**УНИНГ ФИКРИЧА, БУ  
ЧЕКИШНИ БОШЛАЁТГАН  
ЁШЛАР УЧУН  
ОГОХЛАНТИРУВ  
ВАЗИФАСИНИ ЎТАШИ  
КЕРАК ЭДИ.**



АҚШнинг энг катта соғлиқни сақлаш ташкилотларидан бири  
World Watch Institute (Дунё кузатув институти)нинг  
ҳисоботига кўра:



ер юзида ҳар йили 5,5 МИЛЛИОН

ҳар дақиқада 11 киши

ҳар 6 сонияда 1 киши

**кашандалик туфайли ўлади.**

**ХАР ЙИЛИ 5,5 МИЛЛИОН КИШИ  
ХАЁТДАН БЕВАҚТ КҮЗ ЮМАДИ.**

**ХИТОЙ**

**ҲИНДИСТОН**

**ИНДОНЕЗИЯ**

**РОССИЯ**



# Мутахассисларнинг айтишича, зарур чоралар кўрилмас....



**2030 yilga borib kashandalik yiliga  
8 MILLION kishini hayotdan olib ketadi.**  
***BU 1 KUNDA 21917 INSONGA TENG***


# ДОНОЛАР ДЕЙДИКИ...

«Чекишни ташлагач, мени ғамгинлик ва  
хавотирлик ҳолати ҳам тарк этди»  
(А.П. Чехов).


«Чекищдан ақлинг заифлашади»  
(И.В. Гёте).

«Тамаки танага заrar етказади, онгни  
емириб, миллатни онгсизлантиради»  
(О. Бальзак).

# Siz nimaga chekasiz? (kichik ijtimoiy so'rov)



# ХУЛОСА



**Дарҳақиқат юртбошимиз томонларидан билдирилган фикр ёшлар учун билим олиш йўлида яратилаётган кенг кўламли имкониятларда ўз тасдигини топмоқда.**

**Эртанги кун эгаларининг чукур ва мукаммал билим олишида, юртимизда “Таълим тўғрисида”ги Конун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг ҳаётга изчиллик билан татбиқ этилиши ҳам муҳим аҳамият касб этади.**



БИЗНИ ТАМАКИ  
ЧЕКИШГА ВАҚТИМИЗ  
ЙҮҚ.  
БИЗ БАРКАМОЛ АВЛОД  
ФАРЗАНДЛАРИМИЗ!



Инсон саломатлиги унинг баҳтли ва  
фаровон турмуш кечириши учун асосий  
замин бўлиб хизмат қилишини эсдан  
чиқармаслиги керак.





Биз соғлом турмуш тарзи  
тарафдоримиз!  
Бизга ҳеч қандай ёмон  
иллатлар ғов бўла олмайди.

# **ХАФТАНИНГ МУҲИМ ЯНГИЛИГИ**

# ОДАМЛАР БУГУНИДАН МАМНУН БЎЛИБ, ЭРТАНГИ КУНИГА ИШОНЧ БИЛАН ЯШАШИ КЕРАК

Нурафшон шаҳрида 3 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигига Тошкент вилояти фаоллари, ҳокимлар ва секторлар раҳбарлари, вазирлик ва идоралар мутасаддилари иштирокида йиғилиш бўлиб ўтди.

Давлатимиз раҳбари ўзи бевосита жойларга бориб, раҳбарларни юбориб, энг долзарб масалалар ҳал қилинаётгани, ҳамма жойда ўзгариш бўлаётгани, лекин Тошкент вилояти "уйғонмаётгани"ни таъкидлади.

Вақт шиддат билан ўтяпти. Ҳар бир кун, ҳар бир дақиқа ганимат. Биз сиёсатни белгилаб, янги-янги имкониятлар яратяпмиз. Мутасаддилар қаттиқ талаб қилиб, қуий тизимдаги раҳбарлар жон куйдириб ишлаб, натижани таъминлаши керак. Одамлар қуруқ гапни қўтармайди. Тошкент вилоятида эса жонланиш кузатилмаяпти. Қани рақобат, қани илм, қани натижа, қани ташаббус, дея мурожаат қилди Шавкат Мирзиёев йиғилиш иштирокчиларига.

Катта иқтисодий салоҳият мавжуд бўлатуриб, вилоятдаги резерв ва имкониятлар тўлиқ ишга солинмаётгани, саноат соҳаси ҳанузгача бир нечта йирик корхона билан чекланиб қолаётгани кўрсатиб ўтилди. Бўка, Пскент, Паркент, Оҳангарон, Бекобод, Қуий Чирчик, Оққўрғон ва Чиноз туманларида саноат ривожи кўрсаткичлари пастлигича қолмоқда. Қуий Чирчик, Бекобод, Оҳангарон, Пскент ва Бўка туманларида аҳоли жон бошига хизмат кўрсатиш ҳажми мамлакат бўйича ўртacha кўрсаткичдан 2-3 баробар кам.



Йиғилишда тадбиркорлик ва қишлоқ хўжалиги, бандлик, ижтимоий шароитларга доир долзарб масалалар муҳокама қилинди. Президент Тошкент вилояти иқтисодиётини ривожлантириш, янги корхоналар ва иш ўринлари яратиш бўйича муҳим вазифаларни белгилаб берди. 2019-2020 йиллар учун умумий қиймати 39 триллион 833 миллиард сўмга тенг 784 инвестиция лойиҳасидан иборат янги ҳудудий дастур шакллантирилгани қайд этилди. Уларнинг 15 таси давлат аҳамиятига эга йирик лойиҳа бўлса, 769 таси хусусий бизнес ва инвесторлар иштироқида амалга оширилади. Рўйхатдан ўтган кичик бизнес субъектларининг 17 фоизи ишламаётгани, Ангрен шаҳри ва Чиноз туманида бу кўрсаткич 30-33 фоизга чиқиб кетгани танқид қилинди. Уларнинг фаолиятини тиклаш, ўз бизнесини бошламоқчи бўлган оиласаларга «Ҳар бир оила – тадбиркор» дастури доирасида жорий йилда 350 миллиард сўм миқдорида имтиёзли кредитлар ажратиш бўйича топшириқ берилди. Талаб бўлса, яна қўшимча маблағ ажратилади. Нима учун оиласавий тадбиркорлик, уйларда паррандачилик, чорвачилик, томорқачилик бўлсин, деяпмиз? Одамларнинг даромади ошиши, тўлов қобилияти юқори бўлиши керак, деди давлатимиз раҳбари. “Ангрен” эркин иқтисодий зonasида 470 гектар ва “Бўстонлик-фарм” зonasида 20 гектар майдон ҳанузгача лойиҳалар билан тўлдирилмаган. Шу сабабли “Ангрен” эркин иқтисодий зонаси Жанубий Кореянинг “Инчон” эркин иқтисодий зonasига ишончли бошқарувга берилгани маълум қилинди. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, вилоят ҳокимининг инвестициялар бўйича ўринбосарига вилоятдаги 20-30 тадбиркорни танлаб, Корея Республикасига хизмат сафарини ташкил этиш вазифаси топширилди. Тадбиркорлар “Инчон” эркин иқтисодий зонаси фаолияти билан бевосита танишади. Давлатимиз раҳбари Тошкент вилоятидаги ижтимоий ва коммунал соҳаларга оид масалаларга алоҳида эътибор қаратди.

Вилоятда аҳолининг атиги 64 фоизи марказлашган ичимлик суви билан таъминлангани жиддий муаммо. Бу – ҳисобот кўрсаткичи. Амалда бу рақам 40-50 фоиз. Бўка, Қуи Чирчик, Ўрта Чирчик, Юқори Чирчик туманлари ва Нурафшон шаҳрида 30 фоизга ҳам бормайди. Шундай шароитда раҳбарлар қандай қилиб кабинетда хотиржам ўтиради, деди **Шавкат Мирзиёев**. Бу муаммони ҳал этиш мақсадида жорий йилда 440 километр ичимлик суви тармоқлари ва 301 та сув иншоотида қурилиш-таъмирлаш ишларини бажариш режалаштирилган. Осиё тараққиёт банки иштирокидаги 144 миллион долларлик ушбу лойиҳанинг биринчи босқичи доирасида қурилиш ишлари бошлаб юборилган. Вилоятда долзарб бўлган яна бир муаммо экология билан боғлиқ. Тошкент шаҳридаги майший чиқиндилар ташланадиган Оҳангарон туманидаги полигон 98 фоизга тўлган. Уни ёпиб, янгисини қуриш керак. Бу тозалик, аҳоли саломатлигини таъминлаш учун муҳим аҳамиятга эга, деди давлатимиз раҳбари. Ичимлик суви, оқова тизими объектлари билан бирга умумий ўрта таълим ва соғлиқни сақлаш, автомобиль йўллари билан боғлиқ муаммоларни тезкор ҳал қилиш бўйича топшириқлар берилди. Бунинг учун қўйимча равишда 1 триллион 100 миллиард сўм маблағ ажратилиши маълум қилинди. Президентимиз Нурафшон шаҳрида бош режа асосида амалга оширилаётган бунёдкорлик лойиҳалари билан танишди. Бу шаҳар 2017 йили Тошкент вилояти маъмурий марказига айлантирилиб, масъул идора ва ташкилотлар шу ерга кўчирилди, уларга зарур шартшароит яратилмоқда. Ўтган йили шаҳарнинг бош режаси ишлаб чиқилди. Янги маъмурий марказда аҳоли учун барча шарт-шароитларни яратиш, инфратузилма ва коммуникацияларни янгилаш, пойтахтимизда бошланган бунёдкорлик жараёнини вилоят марказига ҳам кенг ёйиш мақсадида 246 гектар майдонда “Smart city” қуриш лойиҳалаштирилмоқда. Тўлиқ ақлли технологияларга асосланадиган ушбу “ақлли шаҳарча” уч босқичда барпо этилади. Биринчи босқичда жами 1792 квартирали тўққиз ва ўн икки қаватли уйлар қурилади. Янгидан қад ростлайдиган Нурафшон университети ёшларнинг замонавий касб-хунар эгаллашига замин яратса, ёпиқ спорт мажмуасида бадиий гимнастика, теннис, кураш ва қиличбозлик каби спорт турлари бўйича йирик мусобақалар ўtkазилади.

Шавкат Мирзиёев яқинда пойтахтимиздаги Чилонзор туманининг Боғистон кўчасида қурилаётган 9 қаватли уйлар билан танишиш чоғида бундай турар жойларни вилоят марказларида ҳам барпо этиш зарурлигини таъкидлаган эди. Ушбу тавсия асосида Нурафшонда 21 та шундай уй қуриш бўйича лойиҳа ишлаб чиқилди. Шунингдек, 360 ўринли боғча, 1 минг 200 ўринли мактаб, маданий-маишӣ объектлар, дам олиш ҳудудлари барпо этилади. Нурафшон мамлакатимизда шаҳарсозлик бўйича янги тажриба майдони бўлмоқда. Бу ердаги шарт-шароит, ижтимоий соҳа объектлари Тошкентдагидан кам бўлмаслиги, аксинча, рақобатлашадиган бўлиши керак. Албатта, бунинг учун ҳар бир лойиҳани пухта ишлаш, узокни кўзлаб иш тутиш керак, деди давлатимиз раҳбари. Нурафшонда канализация тармоғи умуман талабга жавоб бермас эди. Мавжуд тозалаш иншооти бутун шаҳарни қамраб ололмайди. Шу боис қурилиш давомида муҳандислик коммуникациялари бутунлай янгиланади. Шаҳарнинг марказий Тошкент йўли кўчаси ҳам янгидан барпо этилмоқда. Кўча бўйидаги бир қаватли эски иморатлар ўрнида 7 ва 9 қаватли уйлар, сервис шохобчалари, саломатлик марказлари, гипермаркетлар қурилиши бошланган. Ҳар бир бино олдида автомобиль тўхташ жойлари бўлиши кўзда тутилган. Тўрт полосали магистрал автомобиль йўли билан бирга ички йўл ҳам қуриляпти. Велосипед ва пиёдалар йўлакчаларига жой ажратилган.

Ирригация тармоқлари учун янги турдаги ёпик лотоклар үрнатилиб, күча бўйлари кўкаламзорлаштирилмоқда. Тошкент йўли кўчасида тирбандликнинг олдини олиш мақсадида шаҳарнинг кириш қисмидан “Smart city” марказига борадиган янги 4 километрлик кўча қурилиши режалаштирилган. Айни пайтда аҳолини иш билан таъминлаш мақсадида замонавий ишлаб чиқариш корхоналари барпо этиш учун 100 гектарлик технопарк яратиш бўйича лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлаб чиқилмоқда. Президентга вилоят аҳолисини ичимлик суви билан таъминлаш лойиҳалари ҳам тақдим қилинди. Давлатимиз раҳбарининг топшириқлари асосида 2022 йилга бориб, вилоят аҳолисининг ичимлик суви билан таъминланиш даражасини 92 фоизга етказиш имконини берадиган ушбу лойиҳалар учун халқаро молия институтларининг маблағлари жалб этилади.

Ўрта Чирчик туманидаги 50 гектар майдонда инновацион савдо мажмуаси қурилиши мўлжалланмоқда. Лойиҳа қиймати 50 миллион доллар бўлган мажмуада 5 мингта дўкон жойлашади, 10 мингдан зиёд иш ўрни яратилади. 2021 йилда ишга тушириладиган мажмуада ноозоқ-овқат маҳсулотлари, майший товарлар, қурилиш материаллари савдоси йўлга қўйилади.

Шавкат Мирзиёев Тошкент вилояти мамлакатимизнинг муҳим логистика маркази эканини, йирик савдо ва хизмат кўрсатиш мажмуаларини қуришда ҳудуднинг шу имкониятини эътиборга олиш лозимлигини таъкидлади. Ҳар бир лойиҳани сифатли ва ўз муддатида амалга ошириш юзасидан топшириқлар берди.

# ЕР ВА СУВ РЕСУРСЛАРИДАН УНУМЛИ ФОЙДАЛАНИШ МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 4 июн куни қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш борасидаги устувор вазифаларга бағишланган йиғилиш ўтказди. Ер ва сув ресурсларидан оқилона ҳамда унумли фойдаланилсагина юқори ҳосилдорлик ва барака бўлади. Лекин сўнгти 30 йил давомида ирригация тармоқларига эътибор берилмагани ва ерга хўжасизларча муносабатда бўлиш оқибатида 450 минг гектар суғориладиган майдонлар яроқсиз ҳолга келиб қолди. Айни пайтда мамлакатимизда ўзлаштириш имкони бўлган 1 миллион гектардан ортиқ майдон мавжуд. Ушбу ерларни ирригация ишларини бажариш ва сувни тежовчи технологияларни жорий қилиш, кам сув талаб қиласидиган экинлар экиш ҳисобига ўзлаштириш чораларини кўриш зарурлиги таъкидланди. Йиғилишда ушбу майдонларни қайта ўзлаштириш бўйича самарали тизимни жорий қилишга қаратилган чора-тадбирлар муҳокама қилинди. Халқаро тажриба асосида фойдаланишдан чиқкан ерларни давлат-хусусий шериклик шартлари асосида ўзлаштириш тартибини йўлга қўйиш зарурлиги таъкидланди. Бунда инвесторлар ўзлаштирилган ерларда экинларни мустақил жойлаштириш, ер майдонларини иккиламчи ижарага бериш ва зарур инфратузилма объектларини қуриш ҳуқуқига эга бўлишлари лозимлиги қайд этилди. Давлатимиз раҳбари Жаҳон банкининг фойдаланишдан чиқиб кетган ерларни битта туманда намуна сифатида давлат-хусусий шериклик асосида ўзлаштиришга қаратилган таклифини маъқуллаб, тегишли вазирликлар раҳбарларига мазкур лойихани амалга ошириш юзасидан кўрсатмалар берди.

## **Ирригация тармоқларини ҳам давлат-хусусий шериклик асосида бошқариш механизмини жорий қилиш бўйича таклифлар билдирилди.**

Кишлоқ хўжалиги вазирлиги ва “Давергеодезкадастр” қўмитасига 2019-2021 йилларда ўзлаштириладиган 281 минг гектар майдонни ташаббускорларга давлат-хусусий шериклик асосида бериш тартибини пухта ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди. Бу ерларда экспортбоп мева-сабзавотлар етиштириш, шу билан бирга, сувсизликка чидамли экинларнинг янги навларини яратиш муҳимлиги таъкидланди. Ўзлаштирилган ерларнинг унумдорлигини ошириш ҳамда мелиоратив ҳолати ва сув таъминотини яхшилаш технологияларини жорий қилиш, шу мақсадларга сарфланадиган харажатларнинг бир қисмини қоплаб бериш тартибини қўллаш бўйича таклифлар илгари сурилди.

Йиғилишда фойдаланишга қайтарилиган ерларни сув билан узлуксиз таъминлаш, бунинг учун фақат сувни тежовчи технологияларни қўллаш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Ер ости суви захирасини ўрганиш масаласи муҳокама қилинар экан, Геология ва минерал ресурслар, Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмиталари, Сув хўжалиги вазирлигига лалми ва яйловларни суғориш учун яроқли бўлган ер ости суви захирасини аниқлаш ҳамда ундан самарали фойдаланиш чораларини кўриш бўйича тавсиялар берилди. Масъул вазирлик ва идораларга ердан ноқонуний фойдаланишни олдини олиш бўйича таъсирчан чора-тадбирларни белгилаш ҳамда бу борадаги назорат тизимини қайта кўриб чиқиш топширилди. Ер кадастри маълумотларининг аниқлигини таъминлаш ва самарали бошқариш мақсадида ягона автоматлаштирилган тизимни ишга тушириш зарурлиги таъкидланди.

# ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ҚОЗОҒИСТОН ПАРЛАМЕНТИ МАЖЛИСИ РАЙСИННИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 7 июнь куни Қозогистон Республикаси Парламенти Мажлиси Раиси Нурлан Нигматулин бошчилигидаги делегацияни қабул қилди. Давлатимиз раҳбари меҳмонларни самимий қутлар экан, Қозогистон Парламенти делегациясининг Ўзбекистонга ташрифи қардош мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик, яхши қўшничилик ва стратегик шериклик муносабатлари тобора мустаҳкамланиб бораётганидан далолат беришини алоҳида таъкидлади. Ўз навбатида, Қозогистон Парламенти Мажлиси Раиси самимий қабул учун Президентимизга чуқур миннатдорлик билдириб, Қозогистон Республикасининг Биринчи Президенти – Элбоши Нурсултон Назарбоев ва Президенти Қосим-Жомарт Тоқаевнинг саломи ва эзгу тилакларини етказди. Учрашувда томонлар Қозогистон Президенти Қосим-Жомарт Тоқаевнинг жорий йил апрель ойида амалга оширган Ўзбекистонга илк давлат ташрифи яқунлари кўп қиррали ҳамкорликни янада кенгайтириш, уни амалий мазмун билан бойитиш борасида ўзаро интилиш қатъий эканини яна бир бор тасдиқлаганини таъкидладилар. Икки томонлама савдо ҳажми ортиб бораётгани мамнуният билан қайд этилди. 2018 йилда товар айирбошлиш 50 фоиз ўсиб, 3 миллиард доллардан ошди. Яқин йилларда бу кўрсаткични камида 5 миллиард долларга етказиш вазифаси турибди. Мамлакатларимиз етакчи компания ва корхоналари иштирокида кооперация асосида истиқболли лойиҳалар амалга оширилмоқда. Транспорт соҳасида янги автобус ва темир йўл йўналишлари очилди, шаҳарлар ўртасидаги авиақатновлар кўпайтирилди, юқ ташиш ҳажми ортмоқда. Ҳудудлараро алоқалар тобора мустаҳкамланмоқда, маданий-гуманитар алмашинув кенгаймоқда. Ўтган йили Қозогистонда Ўзбекистон йили муваффақиятли ўтказилди, жорий йилда эса мамлакатимизда тадбирларга бой дастур асосида Қозогистон йили ўтмоқда. Учрашувда Ўзбекистон – Қозогистон парламентлараро ҳамкорлигини янада ривожлантиришнинг долзарб масалалари кўриб чиқилди. Мамлакатларимиз парламентлари қўмиталари даражасида фаол алоқаларни йўлга қўйиш, эришилган келишувларни ўз вақтида амалга ошириш ва янги шериклик лойиҳаларини илгари суриш мақсадида парламентлараро дўстлик групчалари имкониятларидан янада самарали фойдаланиш лозимлиги қайд этилди. Нурлан Нигматулин Қозогистон олий қонун чиқарувчи органи парламентлараро муносабатларни янада мустаҳкамлашда, шунингдек, қардош халқларимиз ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорликни кенгайтиришга қаратилган ташабbusларни рўёбга чиқаришда ҳар томонлама кўмаклашишга тайёр эканини таъкидлади. Учрашув якунида давлатимиз раҳбари Қозогистон Республикаси сиёсий ҳаётидаги энг муҳим тадбир – жорий йил 9 июнь куни бўлиб ўтадиган Президент сайлови муваффақиятли ўтишини тилади.

## **НУРЛАН НИГМАТУЛИН: ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ИЖОБИЙ ЎЗГАРИШЛАР ХАЛҚИНГИЗНИНГ ФАРОВОН ҲАЁТ КЕЧИРИШИГА ХИЗМАТ ҚИЛЯПТИ**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 7 июнь куни Қозогистон Республикаси Парламенти Мажлиси Раиси Нурлан Нигматулин бошчилигидаги делегацияни қабул қилди. Қабулдан сўнг Нурлан Нигматулин ЎзА мухбирига қуидагиларни сўзлаб берди:

– Сўнгги йилларда Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигига мамлакатингизда кенг кўламда олиб борилаётган муваффақиятли ислоҳотлар, эришилаётган улкан ютуқларга гувоҳ бўляпмиз. Иқтисодиёт, таълим, соғлиқни сақлаш, молия каби соҳаларда юз бераётган ижобий ўзгаришлар ўзбек халқининг фаровонлигини юксалтиришга хизмат қиласпти. Парламентлараро ҳамкорлигимиз ушбу эзгу интилишларни муваффақиятли амалга ошириш, хусусан, Ўзбекистон билан Қозогистон ўртасидаги ҳамкорликка янги суръат баҳш этишга хизмат қиласди. Бу борада биринчи галдаги вазифамиз эса икки давлат раҳбарларининг олий даражадаги учрашув ва мулоқотлари чоғида эришилган барча стратегик келишувларни ҳаётга татбиқ этишда қонун устуворлигини таъминлашдан иборат. Шу ўринда икки томонлама ҳамкорлик муносабатларининг жорий натижаларида Қозогистон Республикасининг Биринчи Президенти – Элбоши Нурсултон Назарбоев ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг хизматларини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз. Зеро, улар ташаббуслари ва саъй-ҳаракатлари билан ўзаро муносабатларининг мутлақо янги даври бошланди. Бундан буён ҳам мамлакатларимиз ўртасидаги ишонч руҳидаги шериклик барча соҳаларда изчил ривожланишига ишонамиз.

## **ҲУДУДЛАРДА САНОАТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ИНВЕСТИЦИОН ФАОЛЛИКНИ ОШИРИШ МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигига 7 июнь куни ҳудудларда саноатни ривожлантириш, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни ўзлаштиришни жадаллаштириш масалаларига бағишлиган видеоселектор йиғилиши ўтказилди. Маълумки, давлатимиз раҳбарининг Қорақалпоғистон ва вилоятларга ташрифлари чоғида қатор корхоналар ишга туширилган, яна қўпларининг тақдимотлари ўтказилган эди. Бундан ташқари, ҳозирда Бosh вазир ўринбосари бошчилигига ишчи гуруҳ тузилиб, саноати нисбатан ортда қолаётган ҳудудлар бўйича қўшимча саноат лойиҳалари ишлаб чиқилмоқда. Бу лойиҳаларни инфратузилма қувватлари мавжуд объектлар ва майдонларга жойлаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Йиғилишда шу борада амалга оширилаётган ишлар Андижон вилояти мисолида таҳлил қилинди. Мазкур вилоятда саноат диверсификация қилинмагани, ишлаб чиқариш фақат икки тармоқ – автомобилсозлик ва тўқимачиликка боғланиб қолгани қайд этилди. Ҳудудий саноатда банд бўлганларнинг қарийб 60 фоизи, ишлаб чиқариш ҳажмининг 83 фоизи ушбу тармоқлар ҳиссасига тўғри келади. Бўз, Булоқбоши, Избоскан, Қўрғонтепа, Марҳамат, Пахтаобод, Жалақудук, Балиқчи, Улуғнор туманларида саноат яхши ривожланмаган. Аҳоли зич яшайдиган, ҳар қарич ер олтинга тенг бўлган вилоятда 98 та давлат обьектида зарур инфратузилмага эга 90 гектар майдон ва 163 минг квадрат метр бино бўш турибди. Президентимизнинг бундай бино ва ерлардан самарали фойдаланиб, қўпроқ иш ўрни яратадиган корхоналар ташкил этиш, туманларда саноатни диверсификация қилишга оид топшириғига мувофиқ, Андижон вилоятида 2022 йилгача амалга ошириладиган 236 та янги лойиҳа ишлаб чиқилди.

Улар, аввалги лойиҳалар билан қўшиб ҳисоблаганда, яқин уч йилда қарийб 41 мингта доимий иш жойи ташкил этиш ҳамда 1 миллиард 87 миллион доллар тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни ўзлаштириш имконини беради. Вилоят саноати диверсификация қилиниб, ишлаб чиқариш ҳажми қурилиш материаллари тармоғида 4 баробар, электротехника, чарм-пойабзал ва кимё соҳаларида 2,1 баробар, озиқ-овқат саноатида 3 баробар қўпаяди. Туманлар миқёсида уларнинг саноат салоҳияти анча ошибб, ўзаро тафовут камаяди. Йигилишда ҳар бир лойиҳа бўйича амалга ошириладиган тадбирлар ва муддатларни аниқ белгилаган ҳолда, тармоқ жадвалларини ишлаб чиқиши, бўш турган давлат обьектларида устувор равишда саноат лойиҳаларини жойлаштириш бўйича топшириқлар берилди. Андижон вилояти электр энергияси бўйича катта захирага эгалигини ҳисобга олган ҳолда, қувватларни тўғри тақсимлаб, янги лойиҳаларга етказиб бериш зарурлиги таъкидланди. Саноат лойиҳаларини аниқ молиявий манбалар билан таъминлаш, уларга тижорат банклари томонидан хорижий кредит линияларини жалб қилиш бўйича тавсиялар берилди. Давлатимиз раҳбари Фарғона водийсида саноат ва тадбиркорликни ривожлантириш учун инвестиция фонди тузилишини таъкидлади. Ушбу фонд фоизли кредитлар ажратмайди, балки лойиҳада ўз маблағлари билан бизнес ҳамкор сифатида иштирок этади. Аҳоли учун муносиб иш ўрни яратадиган, экспортбоп маҳсулот ишлаб чиқарадиган лойиҳаларга алоҳида эътибор қаратилади. Дастраслабки ҳисоб-китобларга кўра, бу саъй-ҳаракатлар Андижон, Фарғона ва Наманган вилоятларининг ҳар бирида 10 мингта янги иш ўрни яратиш имконини беради. Шунингдек, кичик бизнес лойиҳалари учун гаровсиз микрокредит тизимини ривожлантириш мақсадга мувофиқлиги таъкидланди. Шу боис мутасаддиларга халқаро тажриба асосида микромолиялаш хизматини ривожлантириш, бу борадаги чекловларни юмшатиш юзасидан кўрсатмалар берилди. Видеоселектор йигилишида бўш турган ёки самарали фойдаланилмаётган давлат ва нодавлат обьектлари ҳисобини юритиш, улар негизида корхоналар ташкил этиб, иш ўринлари яратиш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Бўш турган бино ва иншоотларни ишга солиш бўйича кўплаб ваколатлар берилганига қарамай, маҳаллий ҳокимликлар ва солик идоралари бу борада сезиларли ўзгариш қилмагани танқидий баҳоланди. Ишламай турган иншоотлар худудида барча инфратузилмага эга 22 минг гектар майдон борлиги қайд этилди. Аслида улар саноатни ривожлантириш, иш ўринлари ташкил этиш учун тайёр жой.

Йиғилишда ушбу масала бўйича вазирликлар ва ҳокимликлар олдида турган муҳим вазифалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасининг таклифлари тингланди. Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш, ўзлаштириш ва лойиҳаларни муддатида ишга тушириш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳолати тармоқ ва худудлар кесимида муҳокама қилинди. Жорий йилнинг беш ойи мобайнида худудий лойиҳалар доирасида 1,6 миллиард доллар, тармоқ лойиҳалари доирасида қарийб 1 миллиард доллар тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ўзлаштирилгани қайд этилди. Лекин бу белгиланган мўлжалдан кам, айрим вилоятларда ўзлаштириш йиллик режанинг 35 фоизига ҳам етмаган. Хусусан, Андижон вилоятида тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш ва ўзлаштириш борасидаги ишлар қониқарсизлиги боис, инвестициялар ва ташқи савдо вазири ўринbosарлари вилоятдаги саноат тармоқларига масъул этиб бириткирилди. Улар тармоқ бирлашмаларини жалб этиб, бўш турган обьект ва майдонлар негизида инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш бўйича хорижий инвесторлар учун таклифлар ишлаб чиқади. Мазкур таклифлар элчилар билан биргаликда чет элда инвесторларга тақдимот қилинади. Мутасаддиларга ушбу янги тизимни бошқа худудларда ҳам жорий қилиш, жойларга чиқиб, хорижий инвесторлар иштирокидаги лойиҳаларни амалга оширишни тезлаштириш юзасидан топшириқлар берилди. Йиғилишда маҳаллий ҳокимликлар раҳбарларининг чет элга хизмат сафарлари чоғида эришилган келишувлар ижросига ҳам тўхталиб ўтилди. Аксарият келишувлар доирасида инвестицияларни ўзлаштириш бошланган бўлса-да, айримлари ҳозирча қоғозда қолиб кетаётгани танқид қилинди. Ҳисоб палатаси ва тегишли вазирликларга мазкур келишувларни таҳлил қилиб, истиқболли лойиҳалар доирасида инвестицияларни ўзлаштиришни тезлаштириш вазифаси қўйилди. Ҳудудларда саноатни ривожлантириш, инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва жойлаштиришга маҳаллий ҳокимликлар билан мутасадди вазирликлар бирдек жавобгар экани таъкидланди.

## **БЕШТА МУҲИМ ТАШАББУСНИ АМАЛГА ОШИРИШИШГА БАГИШЛАНГАН РЕСПУБЛИКА СЕМИНАРИ ЎТКАЗИЛДИ**

**Жорий йилнинг 7-8 июнь кунлари Тошкент давлат иқтисодиёт университетида Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан илгари сурилган 5 та муҳим ташаббусни олий таълим муассасаларида амалга ошириш ҳамда маънавий-маърифий ва тарбиявий ишларни самарали ташкил этиш масалаларига бағишлиланган ўқув семинар бўлиб ўтади.**

Ўқув семинарда вазирликлар, қўмиталар, нодавлат ва нотижорат ташкилотлар мутасаддилари, 40 нафардан ортиқ олий таълим муассасалари ректорлари, 150 нафардан ортиқ ёшлар билан ишлаш бўйича проректор ва бўлим бошлиқлари ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этди. Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан Сирдарё ва Наманган вилоятлари тажрибаси сифатида 2019 йил 19 март куни ёшлар маънавиятини юксалтириш ва уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш бўйича 5 та ташабbus илгари сурилган эди. Мазкур ташабbusларни амалга ошириш мақсадида Бўка туманида тажриба-синов тариқасидаги Маданият ва маърифат экопарки фаолияти йўлга қўйилди. Таълим-тарбия самарадорлигини ошириш, ёшлар ўртасида китобхонлик тарғиботи бўйича маданий-маърифий ўтказилди. Шунингдек, Президент Шавкат Мирзиёев томонидан 24 май куни Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари раҳбарлари, академиклар, олимлар, ёш тадқиқотчилар билан учрашув давомида 5 та ташабbusнинг тарғиботи ва унда белгиланган дастурларни амалга ошириш борасида олий таълим муассасалари олдига янада аниқ вазифалар қўйилди.



# ЁШЛАР МАЬНАВИЯТИНИ ЮКСАЛТИРИШ ВА УЛАРНИНГ БЎШ ВАҚТИНИ МАЗМУНЛИ ТАШКИЛ ЭТИШ БЎЙИЧА 5 ТА МУҲИМ ТАШАББУС!

## БИРИНЧИ ТАШАББУС

Ёшларнинг мусиқа, рассомлик, адабиёт, театр ва  
санъатнинг бошқа турларига қизикишларини оширишга,  
истеъодинни юзага чикаришга хизмат қилади

## ИККИНЧИ ТАШАББУС

Ёшларни жисмоний чиниқтириш,  
уларнинг спорт соҳасида қобилиятини  
намоён килишлари учун зарур шароитлар  
яратишга йўналтирилган



## УЧИНЧИ ТАШАББУС

Ахоли ва ёшлар ўртасида компьютер  
технологиялари ва интернетдан самарали  
фойдаланишни ташкил этишга каратилган

## БЕШИНЧИ ТАШАББУС

Хотин-қизларни иш билан таъминлаш  
масалаларини назарда тутади

## ТЎРТИНЧИ ТАШАББУС

Ёшлар маънавиятини юксалтириш, улар ўртасида  
китобхонликни кенг тарғиб қилиш бўйича  
тизимли ишларни ташкил этишга йўналтирилган

Шундан келиб чиқиб, 5 та ташаббуснинг олий таълим тизимидағи ижросини ўрганиш бўйича комиссия тузилди ҳамда унинг зиммасига маънавий-маърифий ишлар, тарбия жараёнлари, талабалар бўш вақтини самарали ўтказиш, уларни жисмоний тарбия ва спорт, замонавий ахборот технологияларини ўзлаштириш каби масалалар ҳолатига баҳо бериш ҳамда мазкур масалада амалий ёрдамни ташкил этиш бўйича долзарб вазифалар юкланди. Комиссия ташабbusи билан ташкил этилган мазкур ўқув семинарининг мақсади ушбу вазифаларнинг тўлиқ ижросини таъминлашга эришишдан иборат. Ўқув семинари 2 кун давом этиб, унинг биринчи кунида Комиссия аъзолари томонидан 5 та ташаббусни амалга ошириш бўйича аниқ чора-тадбирлар қамраб олинган маърузалар ўқилди. Семинарнинг иккинчи кунида назарий таклифлар ва тавсияларни бевосита амалиётга жорий этиш бўйича амалий мулоқотлар ўтказилди. Гурухларга бўлинган ҳолда ташкил этилган мулоқотларда олий таълим муассасаларида мавжуд камчиликлар танқидий таҳлил қилинди, ҳолатни яхшилаш механизмлари юзасидан фикр-алмашилди. Мулоқотлар якунида 5 та ташаббусни олий таълим муассасаларида жорий этишга қаратилган устувор вазифаларга бағишлиланган якуний маъруза тингланди. Мазкур ўқув семинарнинг Тошкент давлат иқтисодиёт университетида ўтказилиши бежиз эмас. Зоро, мазкур таълим муассасаси бешта ташаббусни олий таълим тизимиға жорий этиш бўйича тажриба-синов майдони сифатида белгиланган бўлиб, университетда ҳар бир ташаббусни амалга ошириш бўйича маҳсус жиҳозланган 5 та лаборатория ташкил этилган. Мазкур лабораториялар ташабbusларни амалга оширишга қаратилган илғор тажрибаларни оммалаштириш, мавжуд камчиликларни чуқур таҳлил қилиш ва бартараф этиш, эришилаётган ютуқлар қамровини кенгайтиришга хизмат қиласиган майдончага айланади. Ўқув семинари давомида 5 та ташабbуснинг ҳар бир йўналиши бўйича биттадан олий таълим муассасасини намунали қилиб тайёрлаш ва республикага ўrnak қилиб кўrsatiшга келишиб олинди. Семинар якунида 5 та ташабbуснинг олий таълим муассасаларидағи ижросини таҳлил қилиш, аниқланган камчиликларни бартараф этиш ва мавжуд ахволни яхшилашга қаратилган чора-тадбирлар дастури тасдиқланди. Дастур ижросини республика миқёсида ўрганиб бориш, илғор тажрибаларни оммалаштириш мақсадида ўқув семинарининг ҳар чоракда бир маротаба ўтказилиши белгиланди.

**ЭЪТИБОРИНГИЗ УЧУН  
РАҲМАТ**